

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТЯН ТАТЬЯНА ВАЛЕРИЕВНА

**ПОСТМЕНОПАУЗАДА БАЧАДОНДАН АНОМАЛ ҚОН КЕТИШИ
БЎЛГАН АЁЛЛАРДА ЭНДОМЕТРИЙ ХУЖАЙРА
ПОПУЛЯЦИЯЛАРИ ПРОЛИФЕРАТИВ ФАОЛЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1855 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzaig.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Алиева Дилфуза Абдуллаевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ешимбетова Гулсара Зокировна тиббиёт фанлари доктори, профессор Рузиева Нодира Хакимовна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132 уй. Тел./факс: (371) 263-84-83, (371) 263-47-50 E-mail: info@uzaig.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 100140, Тошкент ш, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132 уй. Тел./факс: (371) 263-84-83, (371) 263-47-50)

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2023 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

У.Ю. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори

М.М. Файзирахманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, биология фанлари номзоди

Р.Э. Ниязметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда аёллар орасида постменопаузада бачадондан аномал қон кетиш ҳолатлари тобора ортиб бормоқда. Бачадондан қон кетишининг аксарияти эндометрияда гиперпластик жараёнлар ривожланиши билан боғлиқдир. Баъзи муаллифларнинг маълумотларига кўра, «...эндометриянинг гиперпластик жараёни ва бачадондан қон кетиши гинекологик касалликларнинг 5% дан 25% гача ташкил қилиши, рецидивларининг юқори даражаси ва малигнизацияланиш эҳтимолининг юқорилиги тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда»¹. Касалликни кечиши, аёллар ҳаёт сифатининг пасайиши ва малигнизация ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Аёлларда постменопаузада бачадондан аномал қон кетиши ва эндометрияда гиперпластик жараёнлар ривожланиши патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш, оқибатларини башоратлаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида постменопаузада бачадондан аномал қон кетиши олдини олиш, уни эрта босқичда ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада постменопаузада аёлларда бачадондан аномал қон кетиши келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, аёлларда эндометрийнинг морфологик ўзгариш хусусиятларини аниқлаш, иммуногистокимёвий тадқиқотлар асосида эндометрий хужайралари популяциясининг айрим пролифератив фаол маркерларини аниқлаш, перименопауза даврида бачадондан аномал қон кетиши бўлган аёлларни олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш, аёллар ўлим кўрсаткичларини камайтириш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, постменопауза даврида аёлларда бачадондан аномал қон кетиши хавфини эрта ташхислаш ва даволашга янги ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Kitson SJ, Evans DG, Crosbie EJ. Identifying high-risk women for endometrial cancer prevention strategies: proposal of an endometrial cancer risk prediction model. *CancerPrevRes (Phila)*. 2017;10 (1):1-13.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам постменопауза даврида бачадондан қон кетиш муаммоси долзарблигича қолмоқда. Маълумки, эндометрий қирмасининг гистологияси эндометрия патологияларини ташхислашнинг олтин стандарти ҳисобланади. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатадики, қирма гистологияси жараённинг кейинги кечишини башорат қилиш ва тегишли давони танлаш учун етарли эмас. Ҳозирги босқичда жараённинг ёмон сифатлилик даражасини аниқлаш ва бу тоифадаги беморларни давлash тактикасини белгилаш имконини берадиган турли хил маркерларни, масалан, иммуногистокимёвий маркерларни аниқлаш биринчи ўринга чиқган.

Эндометрийнинг гиперпластик жараёнининг клиник кечиши кўп йўналишли - ўз-ўзидан регрессияланишдан саратон ривожланишига қадар (Carugno J., 2020). Шу сабабли, сўнгги ўн йилликлар давомида эндометриал гиперпластик жараёнларнинг ривожланиши ва зўрайишининг турли лаборатор-инструментал предикторларини излаш давом этмоқда (Concin N. et al., 2020; Douglass L.A, Davis A.M., 2021). Иммуногистокимёвий маркерлар каби турли хил мавжуд маркерларни идентификация қилиш биринчи ўринга чиқади, бу малигнизация даражасини аниқлашга ва ушбу беморлар гуруҳини бошқариш тактикасини белгилашга имкон беради (Bazot M, Daraï E., 2018).

Ҳаётнинг постменопауза давридаги беморларда бачадондан қон кетишини даволаш ва ташхислаш тактикаси замонавий гинекологиянинг энг долзарб ва ҳал қилинмаган муаммоларидан биридир (Бабурин Д.В., Унанян А.Л. 2016; Габидуллина Р.И., 2018). Малигнизациянинг етарлича юқори даражаси, касаллик қайталанишининг катта фоизи, оптимал даволаш усулини қўллашда танловнинг мавжуд эмаслиги гинекологик амалиётда ушбу патологияни ташхислаш ва

даволашга оптимал ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда ушбу йўналишда келгусида тадқиқотлар олиб бориш долзарблигига ишора қилади.

Мамлакатимиз олимлари (Асатова М.Ю., 2007; Алиева Д.А., 2012; Козиева Г.Н., 2012; Асранкулов Д.Б., Назиров З.М., 2018; Каюмова Д.Т., 2020; Аскарлова З.З., 2021) нинг қатор илмий ишлари ҳаётнинг турли ёш давларида бачадондан аномал қон кетиши билан оғриган аёлларни ташҳислаш, даволашга бағишланган. Ушбу патологиянинг турли жиҳатлари – иммуногистокимёсидан (Думановская М.Р., 2015) тортиб тиббий-генетикасигача Каюмовой Д.Т., 2020), ўрганилганига қарамай, ушбу патологияни даволаш (Оразов М.Р., 2021), усуллари таклиф қилинган ва синовдан ўтган бўлса-да, постменопаузада эндометриал гиперпластик жараёнлар ва бачадондан қон кетиш муаммоси (Полонников А.В., Чурносков М.И., 2019) ўз долзарблигини йўқотмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади постменопаузада бачадондан аномал қон кетиши бўлган аёлларда эндометрий хужайра популяциялари пролифератив фаоллигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

постменопаузада бачадондан қон кетиши бўлган аёлларнинг генератив ва гинекологик анамнезлари ҳамда соматик ва гинекологик ҳолатларини эндометрийнинг морфологик кўриниши асосида қиёсий баҳолаш;

постменопаузада бачадондан қон кетиши бўлган аёлларда эндометрийнинг морфологик ўзгариш хусусиятларини аниқлаш;

постменопаузада бачадондан қон кетиши бўлган аёлларда эндометрий хужайралари популяциясининг айрим пролифератив фаол маркерларини унинг морфологик кўриниши асосида аниқлаш;

эндометрий хужайралари популяциясининг пролифератив фаол маркерлари кўрсаткичлари асосида постменопаузада бачадондан қон кетиши бўлган аёлларни даволаш тактикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2008–2021 йилларда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази гинекология бўлими назоратида бўлган 221 нафар постменопауза даврида эндометрий гипертрофияси мавжуд аёллар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида эндометрий қирмалари гистологик ва иммуногистокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, функционал, ультратовуш, гистероскопия, гистологик, иммуногистокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор постменопауза даврида бачадондан қон кетиши ва эндометрий гиперплазияли аёллар соматик патологиялари (юррак ишемик касаллиги, томирларни варикоз кенгайиши, семизлик, 2 тип қандли диабет) эндометрийнинг

морфологик тузилиши ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолатда оғир кечиши аниқланган;

илк бор бачадон қирмаси иммуногистохимёвий тахлилида эндотелиянинг атипик гиперплазияси ва эндометриоид карцинома ривожланиши пролиферация (Ki67) маркери ортишига, эндотелиянинг оддий гиперплазияси ривожланиши апоптоз (p53) маркерининг юқори экспрессияси боғлиқлиги аниқланган.

илк бор постменопаузадаги аёлларда эндометрийнинг яхши ва ёмон сифатли гиперпластик жараёнлари ва бачадондан қон кетиши ривожланиши генезида эндометрийнинг яллиғланиш жараёни маркери CD138 кўрсаткичлари эндометрийнинг оддий гиперплазияси ва эндометриоид карцинома ривожланиши билан тўғри пропорционал боғлиқлиги аниқланган;

илк бор постменопаузадаги аёлларда эндометрийнинг яллиғланиш жараёни маркери CD 138 миқдорининг ортиши, Ki67 пролиферация маркерининг гиперсекрецияси ва апоптоз маркери p53 гипосекрециясида беморларда гиперпластик жараён ривожланиши сабаби бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

постменопаузада бачадондан қон кетиши бўлган аёлларнинг касаллик анамнезлари асосида эндометрийнинг морфологик кўриниши ўзгаришларини аниқлаш асосланган;

постменопаузада бачадондан қон кетиши бўлган аёлларда эндометрийнинг пролиферация (Ki67), апоптоз (p53) ва яллиғланиш (CD138) маркерлари аниқлаш зарурлиги асосланган;

постменопауза даврида эндометрийнинг оддий гиперплазия мавжуд аёлларда бачадондан қон кетишини даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги умумклиник, инструментал, биокимёвий, бактериологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, ҳулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти постменопаузада бачадондан аномал қон кетиши бўлган аёлларда эндометрий хужайра популяциялари пролифератив фаоллигини баҳолаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган, постменопаузадаги аёлларда эндотелиянинг атипик гиперплазияси ва эндометриоид карцинома ривожланиши пролиферация (Ki67) маркери ортишига, эндотелиянинг оддий гиперплазияси ривожланиши апоптоз (p53) маркерининг юқори экспрессиясига боғлиқлиги ва постменопаузадаги аёлларда эндометрийнинг яллиғланиш маркери CD 138 миқдорининг ортиши, Ki67 пролиферация маркерининг гиперсекрецияси ва апоптоз маркери p53 гипосекрециясида беморларда гиперпластик жараён ривожланишига сабаб бўлишини аниқланганлиги ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти постменопаузада бачадондан қон кетиши бўлган аёлларнинг касаллик анамнезлари асосида эндометрийнинг морфологик кўриниши ўзгаришларини аниқланганлиги, эндометрийнинг пролиферация (Ki67), апоптоз (p53) ва яллиғланиш (CD138) маркерлари аниқланганлиги, постменопауза даврида эндометрийнинг оддий гиперплазия мавжуд аёлларда бачадондан қон кетишини даволашнинг дифференциал ёндашув алгоритми ишлаб чиқилганлиги акушерлик асоратлар сонини камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Постменопаузада бачадондан аномал қон кетиши бўлган аёлларда эндометрий хужайра популяциялари пролифератив фаоллигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор постменопауза даврида бачадондан қон кетиши ва эндометрий гиперплазияли аёллар соматик патологиялари (юррак ишемик касаллиги, томирларни варикоз кенгайиши, семизлик, 2 тип қандли диабет) эндометрийнинг морфологик тузилиши ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолатда оғир кечиши аниқланган; Илмий янгиликнинг аҳамияти: нафақат клиник клиник кўрсаткичларни, балки даволаш тактикаси ва стратегиясини олдиндан белгилаш ва унинг самарадорлигини назорат қилиш имконини берувчи постменопауза даврида асоратларининг оғирлигини башоратлаш усули ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ва “Саба Дармон” хусусий клиникаси амалиётларига жорий этилган (Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 4 апрелдаги 4и-и/2-сон маълумотномаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* таклиф этилган текшириш усуллари фойдаланиш постменопауза даврида бачадондан қон кетиш асоратларини эрта аниқлашга эришилади; тадқиқот этилган комплекс ёндашув натижасида даволаш самарадорлиги ошган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: постменопауза даврида бачадондан қон кетиши билан асоратланган аёлларда самарали текширув усули бўлган иммуногистокимёвий теширувлар орқали аниқланиши, яъни бошқа текширусуллардан фойдаланмаслик ҳисобига иқтисод қилинган. Бунда бир беморда 645 500 сум иқтисод қилиниб, тадқиқот жараёнида кузатувдаги 52 нафар беморда 33566000сўмбюджетдан ташқари маблағлардан иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* Постменопауза даврида бачадондан қон кетиши билан асоратланган аёлларда самарали текширув усули бўлган иммуногистокимёвий теширувлар орқали аниқлаш усуллари, 1 нафар бемор ҳисобига киритилаётган усулнинг иқтисодий самарадорлиги унинг аналогига нисбататан арзон, яни 22 % юқорилигини кўрсатди.

Татьяна Валериевна Тяниннинг «Постменопаузада бачадондан аномал қон кетиши бўлган аёлларда эндометрий хужайра популяциялари пролифератив фаоллигини баҳолаш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий

маркази 2023 йил 17 апрелдаги 01-06/343-сонли хат юборилган.

Иккинчи илмий янгилик: илк бор бачадон қирмаси иммуногистокимёвий тахлилида эндотелиянинг атипик гиперплазияси ва эндометриоид карцинома ривожланиши пролиферация (Ki67) маркери ортишига, эндотелиянинг оддий гиперплазияси ривожланиши апоптоз (p53) маркерининг юқори экспрессияси боғлиқлиги аниқланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: постменопаузадаврда беморларда бачадондан қон кетиш ва эндометрийнинг гиперпластик жараёни бўлган аёлларда эндометрийнинг гистологик тузилиши аниқланди; иммуногистокимё ва ультратовуш усулларини биргаликда ўрганиш кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга, касалликнинг кейинги даврини силлиқ ўтиши, ётоқ кунини қисқартириб, шифо жараёнини тезлаштиради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ва “Саба Дармон” хусусий клиникаси амалиётларига жорий этилган (Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 4 апрелдаги 4и-и/2-сон маълумотномаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: мамлакатимиз қишлоқ ҳудудида яшовчи аёллар орасида постменопаузадаврда бачадондан қон кетиш билан асоратланган аёллар, аёллар малаҳатхонасига мурожаат қилувчи аёллар орасида ушбу касалликларни учраш даражасини камайтириш мақсадида, иммуногистокимёвий, гистологик маркёрларни қўллаш орқали, хавф омилларини эрта аниқлашга, улар асосида коррекцияловчи терапияни ишлаб чиқиш, ушбу касаллик билан боғлиқ асоратлар камайишига олиб келади. Ундан ташқари шу натижаларга асосланиб, дифференциалланган ҳолатда бирдан иккинчисига ўтишини олди олиниб тўғри ёндашиш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: Бу маблағнинг тежалиши, қатновлар сонининг камайиши, стационарда даволаниш муддатининг 5 кунгача камайиши, шу асосда тиббий хизматга сарфланадиган маблағни тежалиши билан асосланди. Ҳар бир нафар беморда стационар даво кунлари қисқариши ҳисобидан 661 400 минг сўмгача иқтисодий самардорликка эришилган. Жами беморлардан 34392800 сум маблағ иқтисод қилинишига эришилди. *Хулоса:* постменопауза даврида беморларда эндометрий гипертрофияси ва бачадондан қон кетишини даволаш вақтида йўл қўйилган қатор камчиликлар ва кузатилиши мумкин бўлган асоратлар аниқланиб, бартараф этиш чора тадбирлари ишлаб чиқилиб, тадқиқотга жалб қилинган умумий беморлар ҳисобидан бюджет маблағлардан 16 800 000 сўм, бюджетдан ташқари маблағлардан 19 370 000 сўм маблақ иқтисод қилинишига эришилган.

Татьяна Валериевна Тяннинг «Постменопаузада бачадондан аномал қон кетиши бўлган аёлларда эндометрий хужайра популяциялари пролифератив фаоллигини баҳолаш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази 2023 йил 17 апрелдаги 01-06/343-сонли хат юборилган.

учинчи илмий янгилик: илк бор постменопаузадаги аёлларда эндометрийнинг яхши ва ёмон сифатли гиперпластик жараёнлари ва бачадондан қон кетиши ривожланиши генезида эндометрийнинг яллиғланиш жараёни маркери СД138 кўрсаткичлари эндометрийнинг оддий гиперплазияси ва эндометриод карцинома ривожланиши билан тўғри пропорционал боғлиқлиги аниқланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: постменопауза даврида бачадондан қон кетиш билан асоратланган аёлларда иммуногистокимёвий, гистероскопик, бачадон қириндиси, ультратовуш кўрсаткичлари тизимли ўрганилиши замирида, бачадондан қон кетишнинг асоратларини эрта ташхислаш аёллар ўлим кўрсаткичини камайтириб ва шифо жараёнини тезлаштиради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ва “Саба Дармон” хусусий клиникаси амалиётларига жорий этилган (Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 4 апрелдаги 4и-и/2-сон маълумотномаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: мамлакатимиз қишлоқ туманларида постменопауза даврида қон кетиш билан асоратланган аёллар, аёллар маслаҳатхонасига мурожаат қилиб келганида, бачадонидан қиринди олиниб, гистологик текширувлар орқали текширилиб, аёллар орасида ушбу касалликлар билан учраш даражасини камайтиришга эришилган; гистероскопик усулларни қўллаш, улар асосида коррекцияловчи терапияни ишлаб чиқиш, ушбу касаллик билан боғлиқ бўлган асоратлар камайишига олиб келган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: шифохонада бўлиш даврининг 5 кунга қисқартирилиши ҳисобига 850 минг сўмлик дори-дармон кам талаб этилади (1 кунга ўртача 170 000 сўм дори воситалари сарфланади). *Хулоса:* постменопауза даврида беморларда эндометрий гипертрофияси ва бачадондан қон кетишини даволаш вақтида йўл қўйилган қатор камчиликлар ва кузатилиши мумкин бўлган асоратлар аниқланиб, бартараф этиш чора тadbирлари ишлаб чиқилиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 58 000 сўмга ва бюджетдан ташқаримаблағларни 22 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Татьяна Валериевна Тяниннинг «постменопаузада бачадондан аномал қон кетиши бўлган аёлларда эндометрий ҳужайра популяциялари пролифератив фаоллигини баҳолаш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази 2023 йил 17 апрелдаги 01-06/343-сонлихат юборилган.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор постменопаузадаги аёлларда эндометрийнинг яллиғланиш жараёни маркери СД 138 миқдорининг ортиши, Ki67 пролиферация маркерининг гиперсекрецияси ва апоптоз маркери p53 гипосекресиясида беморларда гиперпластик жараён ривожланиши сабаби бўлиши аниқланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти эндометрийнинг гиперпластик жараёнларини таклиф этилган маркёрлар орқали эрта ташхислаш, профилактик даво мақсадида агонист гонадолиберин, Левоноргестрел дори воситаларни қўллаш ва жарроҳлик усули

ёрдамида кузатилиши мумкин бўлган асоратларни баргараф этишда ёрдам бериб даволаш жараёнини тезлаштиради ва ётоқ кунини қисқартиради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ва “Саба Дармон” хусусий клиникаси амалиётларига жорий этилган (Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 4 апрелдаги 4и-и/2-сон маълумотномаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Постменопауза даврида бачадондан қон кетишни эрта аниқлаш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган усуллар ёрдамида, олинган натижалар қон кетиш билан асоратланган беморларнинг ҳаётини яхшилаш ҳамда уларни стационар даволаш заруриятига бўлган эҳтиёжини камайтиришга олиб келган; таклиф этилган комплекс ёндашувдан фойдаланиш постменопауза даврида қон кетиш билан асоратланган аёлларни эрта ташхислашда ижобий натижалар бериб, даволаш сифатини яхшилаган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: 1) беморнинг шифохонадаги даври учун: таклиф этилган текшириш усулларини қўллаганимиздан сўнг аёлларнинг шифохонада қолиш муддатини 9 кундан 5 кунгача кунга қисқартирди, олдинги текшириш учун қилинган харажат 1 бемор учун 1414000 сўмни ташкил қилган бўлса, биз таклиф қилган усулда харажатлар 568500сўмни ташкил қилди, йил давомида ҳар бир бемор учун 945499 сўм фойда билан чиқдик; 2) беморнинг шифохонадан ташқаридаги даври учун (бошқа тиббий муассасаларда даволаниши, масалан кардиология, терапия бўлимида) бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган. *Хулоса:* Юқоридаги барча даволаш усуллари мажмуавий ишлатилинганида ушбу касаллик билан боғлиқ бўлган сарф-харажат камайиб даво самарадорлиги ошади. Татьяна Валериевна Тяниннинг «Постменопаузада бачадондан аномал қон кетиши бўлган аёлларда эндометрий хужайра популяциялари пролифератив фаоллигини баҳолаш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази 2023 йил 17 апрелдаги 01-06/343-сонлихат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 2 та, жумладан, 1 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва ахамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий ахамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Постменопаузада беморларда эндометрий гиперпластик жараёнлари ва бачадондан қон кетиш муаммосига замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобда сўнги 10 йил давомида ушбу муаммога бағишланган тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган. Ҳаётнинг постменопауза даврида эндометрий гиперпластик жараёнларининг ривожланиш патогенезига замонавий қарашлар ёритилган. Адабиётлардан олинган маълумотларга кўра, эндометридаги гиперпластик жараёнларнинг этиопатогенезида етакчи роль прогестерон етишмовчилиги, яллиғланиш, пролиферациянинг кучайиши ва апоптознинг пасайиши бирга кечадиган ортиқча эстроген стимуляцияга тегишлидир. Постменопауза давридаги аёлларда бачадондан қон кетишини ташхислаш масалалари ва даволашнинг замонавий усуллари ёритишга эътибор қаратилган.

Диссертациянинг **«Текширилган аёлларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобда тадқиқот гуруҳлари, босқичлари ва усуллари баён этилган.

221 беморнинг касаллик тарихида келтирилган маълумотлар ўрганилди. Шундан 168 нафар бемор 10 йил мобайнида клиниканинг гинекология бўлимига ётқизилган ва 2008 йил январидан 2018 йил декабригача РИАГИАТМ нинг гинекология бўлимида стационар даволанган. Шунингдек, 2019 йилдан 2021 йилгача РИАГИАТМ нинг гинекология бўлимига ётқизилган, УТТ маълумотларига кўра бачадондан қон кетиши ва/ёки эндометрий гипертрофияси бўйича стационар даволанган 53 нафар бемор кўриқдан ўтказилган, кузатувга олинган ва даволанган.

Соматик статус, гинекологик патология ва генератив анамнезни ўрганиш учун эндометрийдан олинган кирманинг гистологик текширувини ўрганиш натижаларига кўра беморларни икки гуруҳга ажратдик.

1-гуруҳга эндометрийнинг яхши сифатли патологияларига эга бўлган 169 нафар бемор, 2-гуруҳга эндометрийнинг ёмон сифатли турли патологиялари аниқланган 52 нафар бемор киритилган. Назорат гуруҳига эндометрий патологияси бўлмаган постменопауза давридаги 40 нафар аёлнинг маълумотлари киритилган.

Перспектив гуруҳга 2019 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда гинекология бўлимига ётқизилган 53 нафар бемор киритилган, анамнез тўпланган, текшириш, гинекологик кўрик, кичик чаноқ бўшлиғини текшириш ва кўзгу ёрдамида текшириш, кичик чаноқ аъзоларининг ультратовуш текшируви ўтказилган;

тегишли клиник, лаборатория ва инструментал текширувдан сўнг, бачадон бўйни канали ва бачадон бўшлиғидан алоҳида қирма олинган, шундан 18 нафарда (33,96%) гистероскоп назорати остида амалга оширилган. Қирма гистологик ва иммуногистохимёвий текширувдан ўтказилган. РСНПМСАСиГ патоморфология бўлимида эндометрий қирмаларини гистологик текшириш натижалари РИАГИАТМ патоморфология бўлимида (бўлим мудири Г.Р.Салихождаева) ўтказилган, тадқиқотлар ЖССТ таснифига (2003) мувофиқ талқин қилинган.

Эндометрий қирмаларини гистологик текшириш натижаларига кўра, проспектив гуруҳдаги 53 нафар бемор учта кичик гуруҳга бўлинган: эндометрийнинг оддий гиперплазияси, $n=23$; эндометрийнинг атипик гиперплазияси, $n=18$; эндометриоид карцинома, $n=12$.


53 нафар беморнинг эндометрий қирмаси "PremiumDiagnostiks" патоморфологик лабораториясида (раҳбар, т.ф.д.,проф. Д.А.Нишонов) иммуногистохимёвий текширилган. Аниқланган оқсилларнинг функциясини ўрганиш учун CD138, p53, Ki67 антитаналари танланган. CD138- мембрана оқсили тўқималарда яллиғланиш даражасини акс эттирувчи плазма хужайралари сифатида ишлатилган. Хужайра циклини тартибга солувчи транскрипция омили бўлган p53 оқсили ёмон сифатли ўсмаларнинг шаклланиш супрессори вазифасини бажаради. Ки67 - ўсма касаллигининг прогностик омили бўлган ўсма хужайраларининг пролифератив фаоллиги маркери. Кесмалар плазматик хужайраларнинг бўялиш интенсивлигига қараб қуйидагича баҳоланган: ижобий хужайралар йўқлиги- 0, паст ифодаланиш: 1% дан 20% гача ижобий хужайралар, ўртача ифодаланиш: 21% дан 50% гача, юқори ифодаланиш: 51% дан 100% гача ижобий хужайралар.

Далилий материалга статистик ишлов бериш ва график тасвирлар Pentium-IV компьютерида амалга оширилган. Белгининг нормал тақсимланиши ҳолатида гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилигини ўрганишда Стьюдент (t) мезонидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Эндометрий гиперпластик жараёнлари ва бачадондан қон кетиши билан оғриган постменопауза давридаги беморларнинг клиник ва лаборатория маълумотлари натижалари**» деб номланган учинчи бобида эндометрий қирмасининг гистологик хулосасига кўра 2 гуруҳга ажратилган 221 беморнинг касаллик тарихи таҳлили келтирилган.

Диаграммадан кўриниб турибдики, 55 ёшдан 60 ёшгача, шунингдек, 61 ёшдан 65 ёшгача бўлган аёллар гуруҳида эндометрийда ёмон сифатли жараёнлар аниқланган беморлар яхши сифатли жараёнлар қайд этилган аёллар гуруҳига нисбатан 2 баравар кам бўлган 35 ($20,7 \pm 3,1\%$)га нисбатан 5 ($9,6 \pm 9,6\%$), $p < 0,05$, шунингдек 86 ($50,8 \pm 3,8\%$)га нисбатан 11 ($21,2 \pm 5,7\%$), $p < 0,001$.

66 ёшдан 75 ёшгача бўлган беморлар орасида эндометрийнинг хавфли жараёнларига эга аёллар сони яхши сифатли жараёнлар қайд этилган 66-70 ёшдаги беморлар гуруҳига қараганда анча кўп бўлган, 42 ($24,9 \pm 3,3\%$) га нисбатан 23 ($44,2 \pm 6,9\%$), $p < 0,05$. М ос равишда, 2-гуруҳда 71-75 ёшда - 9 ($17,3 \pm 5,2\%$) га нисбатан 1-гуруҳда 4 ($2,4 \pm 1,2\%$), $p < 0,05$.



1-расм. Бачадондан қон кетиши ва эндометрияда гиперпластик жараёни бўлган аёлларнинг ёши бўйича тақсимланиши (M±m), (%)

Изоҳ: *- $p < 0,05$, **- $p < 0,005$, ***- $p < 0,001$ назорат гуруҳи билан таққослангандаги фарқларнинг ишончлилиги; ^- $p < 0,05$, ^^ - $p < 0,005$, ^^[^] $p < 0,001$ 1- ва 2-гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги.

Текширилаётган аёлларда соматик патология структурасини ўрганиш таҳлили 1-жадвалда келтирилган. Таҳлил назорат гуруҳидаги аёллар билан солиштирганда ёмон сифатли патологиянинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар, бачадондан қон кетиши ва эндометрий гиперпластик жараёнларига (ЭГЖ) эга бўлган беморларда ушбу патологияга сезиларли мойиллик мавжудлигини кўрсатди.

1-жадвал


Текширилган аёлларда соматик патология структурасини ўрганиш натижалари, M±m, одам. (%)

Соматик патология структураси	1 гуруҳ, n=169	2 гуруҳ, n=52	Назорат, n=40
Юрак- қон томир тизими касалликлари			
-варикоз касаллиги	102(60,4±3,7%)***	38(73,1±%)***	6(15,0±5,6%)
-юрак ишемик касаллиги	56(33,1±3,6%)***	27(33,1±3,6%)***	2(5,0±3,4%)
-гипертония касаллиги	33(19,5±3,0%)*	11(21,2±5,7%)*	3(7,5±4,2%)
Сийдик ажратиш тизими тизими касалликлари			
-сурункали пиелонефрит	56(33,1±3,6%)*	17(32,7±6,5%)*	7(17,5±%)
-сурункали цистит	41(24,3±3,3%)*	14(26,7±6,1%)*	4(10,0±4,7%)
-сийдик тута олмаслик	41(24,3±3,3%)*	14(26,7±6,1%)*	4(10,0±4,7%)

Эндокрин тизими касалликлари			
-Қалқонсимон без касалликлари	61(36,1±3,7%)	27(51,9±6,9%)**	9(22,5±6,6%)
-ортикча вазн	62(36,7±3,7%)*	16(30,8±6,4%)	8(20,0±6,3%)
-семизлик	56(33,1±3,6%)*	24(46,2±6,9%)*	4(10,0±4,7%)
-қандли диабет2	18(10,7±2,4%)	8(15,4±5,0%)	-
Темир танқислиги анемияси	69(40,8±3,8%)	16(28,1±6,4%)	-

Изох. *- $p < 0,05$, **- $p < 0,005$, ***- $p < 0,001$ назорат гуруҳи билан таққослангандаги фарқларнинг ишончлилиги; ^- $p < 0,05$, ^^- $p < 0,005$, ^^^- $p < 0,001$ 1- ва 2-гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги.

Ўтказилган гинекологик касалликлар ҳақидаги маълумотларни ўрганиш ҳам 1-ва 2-гуруҳлардаги беморларнинг гинекологик анамнезининг назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада оғирлигини кўрсатди (2-расм).



2-расм. Аёлларнинг ўтказган гинекологик касалликлари ва жаррохлик операциялари ҳақида маълумот, (M±m), (%)

Шундай қилиб, эндометрий патологияси бўлган беморлар оғир гинекологик анамнезга эга бўлди, кўпинча бу беморлар ҳаётнинг турли давларида бачадон бўшлиғида бир неча борқириш амалиётини, шунингдек, жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликларини ўтказган, бу постменопауза даврида бачадондан қон кетиш ривожланишига сабаб бўлган.

Текширилган беморларда генератив функциянинг ўрганилган таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Тиббий абортлар, шунингдек, ғайриихтиёрий бола ташлашлар, эндометрийнинг ёмон сифатли жараёнларига эга бўлган беморларнинг кўпчилигида кўрсатилган, $p < 0,001$.

Аксарият беморларда эндометрий қирмасида яхши сифатли табиат ташхиси кўйилган - 169 (76,5%), қолган 52 (23,5%) беморда, яъни ҳар тўртинчи

беморда –ёмон сифатли патология, иккита ҳолатда - бачадон бўйни саратони билан биргаликда ташхисланган.

2-жадвал.


Текширилган беморларда генератив функция таҳлили ($M \pm m$), одам (%)

Генератив функция ҳақида маълумот	1- гуруҳ, n=169	2-гуруҳ, n=52	Назорат, n=40
Бепуштлиқ I	6(3,6±1,4%)	7(13,5±4,7%)	-
Туғруқлар: 1-2	76(44,97±3,8%) ***	36(69,2±6,4%)* **^^	12(30,0±7,2%)
-3	59(34,9±3,7%)* **	4(7,7±3,69%)* **^^	26(65,0±7,5%)
-4 ва ундан ортиқ	28(16,6±2,9%)*	5(9,6±4,1%)	2(5,0±3,4%)
Тиббий абортлар: 0	41(24,3±3,3%)* **	8(15,4±5,0%)* **^^	26(65,0±7,5%)
-1	64(37,9±3,7%)	-	11(27,5±7,1%)
-2	39(23,1±3,2%)* **	17(32,6±6,5%)* **	3(7,5±6,5%)
3 ва ундан ортиқ	25(14,7±2,7%)	27(51,9±6,9%)* **^^	-
Ғайри ихтиёрий бола ташлаш: 0	105(62,1±3,7%)* **	21(40,4±6,8%)* **^^	37(92,5±4,2%)
-1	47(27,8±3,4%)* **	9 (17,3±5,2%)* **	3(7,5±4,2%)
-2 ва ундан ортиқ	17(10,1±2,3%)	22(42,3±6,9%)* **^^	-

Изоҳ: *- $p < 0,05$, **- $p < 0,005$, ***- $p < 0,001$ назорат гуруҳи билан таққослангандаги фарқларнинг ишончилиги; ^- $p < 0,05$, ^^ - $p < 0,005$, ^^ - $p < 0,001$ 1- ва 2-гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги.

Шуни таъкидлаш лозимки, беморларнинг аксарият қисмида 16 (80,0%) қирмаларда сурункали эндометрит ташхиси тасдиқланган.

Эндометрий қирмаларининг гистологик текшируви таҳлили шуни кўрсатдики, эндометрийдаги ҳам яхши, ҳам ёмон сифатли гиперпластик жараёнлар клиник жиҳатдан жинсий йўллардан қонли ажралмалар кўринишида намоён бўлиши мумкин, аммо ҳолатларнинг учдан бирида симптомларсиз кечади.



■ Доброкачественная патология эндометрия (76,5%) ■ Злокачественная патология эндометрия (23,5%)

3-расм. Эндометрий гиперплазияси ва бачадондан қон кетаётган аёллар эндометрий қирмаларининг гистологик таҳлили натижалари, n=221

Бу постменопауза даврида, ҳатто клиник кўринишлар мавжуд бўлмаса ҳам, ультратовуш текшируви зарурлигини тақазо этади, эндометрий гипертрофияси мавжудлигида эса, эндометрий биопсияси зарурлигини белгилайди.

Диссертациянинг «Постменопауза даврида бачадондан қон кетишларга эга бўлган беморларда проспектив текширув натижалари» деб номланган тўртинчи бобида 2020-2021 йилларда РИАГИАТМ гинекология бўлимига бачадондан қон кетиш шикоятлари билан ётқизилган 53 нафар беморнинг клиник-лаборатория маълумотларини ўрганиш натижалари келтирилган. Биринчи кичик бобда эндометрийнинг гистероскопик натижалари, шунингдек, эндометрий қирманинг гистологик текширув натижалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Барча беморларда бачадон бўшлиғи қирмаси ўтказилди, шундан 18 таси (33,98%) гистероскоп назорати остида бажарилди (4,5-расм).



4-расм.Эндометрий гиперплазия сининг гистероскопик манзараси




5-расм.Эндометрий гиперплазиясининг гистероскопик манзараси


Гистероскопияда эндометрий қалинлашган, турли баландликдаги оч пушти рангдаги бурмалар кўринишида, шиллиқ қаватининг қўплаб бурмалари билан ифодаланган, кенг асосли текис бўлмаган қирралари бўлган 10 дан 15 мм гача баландликдаги қирралар шаклида, яққол ифодаланган қон томирлар расми кўринишида.Ҳайдаладиган суюқликнинг оқими ва босимининг ўзгариши шиллиқ қаватнинг ҳаракат тезлигини ўзгартирган. Бачадон бўшлиғи қирмаларининг морфологиясини ўрганиш гистологик ташхисларга кўра куйидаги тақсимотни кўрсатди:

- 1.Эндометрийнинг оддий гиперплазияси, $n=23$ (43,4%);
- 2.Эндометрийнинг атипик гиперплазияси, $n=18$ (34%);
- 3.Эндометриоид карцинома, $n=12$ (22,6%).


Эндометрийнинг оддий гиперплазияси (ЭОГ) бўлган беморларда препаратларда эндометрийнинг ихчам ва спонгиоз қатламларга бўлинмаслиги қайд этилди (6-расм). Ҳар хил шакл ва ўлчамдаги кўп сонли безлар стромада, безлар тешиклари йўналиши бўйича суст ифодаланган бурмалари бўлган алоҳида жойларда нотекис тақсимланган. Кистоз-кенгайган ва стромада нотекис тақсимланган безлар кузатилади, баъзи безлар кистоз чўзилган.



6-расм. Гистологик текширув. Эндометрийнинг оддий гиперплазияси. Гематоксилин–эозин билан бўялган.



7-расм. Гистологик текширув. Эндометрийнинг атипик гиперплазияси. Гематоксилин–эозин билан бўялган.



8-расм. Гистологик текширув. Эндометриоид карцинома. Бўёк: Гематоксиллин эозин об

Эндометрийнинг атипик гиперплазияси (ЭАГ) безли компонентнинг стромал компонентдан устунлиги, атипия белгилари билан безли эпителийнинг янада аниқ ва интенсив пролиферациясида тавсифланади (7-расм).

Эндометрий безлари кўп миқдорда, бир-бирига яқин, яъни ихчам жойлашган, иккинчиси ғалати ва тарвақайлаб кетган кўринишга эга. Эндометрий безларининг базал мембранаси сақланиб қолган, улар "орқама-орқа" яқин жойлашганига қарамай, фибробластга ўхшаш хужайралар билан тор бириктирувчи тўқима қатламига эга. Турли даражадаги митотик фаолликга эгава гиперхромли йириклашган овал ядроли без хужайралари (ядро-цитоплазматик нисбатнинг ортиши қайд этилган), ҳамда патологик митозлар (юқори катталаштириш ёрдамида текширилганда) бўлган безли хужайралар ҳам кузатилади.


Аденокарциномадаги эндометрий (ЭК) эндометрийнинг турли даражадаги структуравий тузилишига эга бўлиб, ўсма жараёнининг фарқланиш даражасига қараб ўзгарувчан шаклдаги кўплаб безли тузилмалардан, шу жумладан безли, тубуляр, папиллер тузилмалардан иборат (8-расм). Эндометрийнинг ёмон сифатли ўсма жараёнини фарқлаш тўқима ва хужайра атипизми даражасига боғлиқ.

